

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 3



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№3 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2022-3>

Бош мухаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош мухаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммаед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масбул котиб, доцент (Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оғли

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бокиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммаед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umardhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

1. Sharipov S.S. ЛЕКСИКОГРАФИЯ (ТАРЖИМА ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ) РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	5
2. Akhadova Guzal Imatulloeyvna, Mavlyanova Nilufar Suvankulovna METHODOLOGY AND PRINCIPLES OF USING ROLE PLAYING IN FOREIGN LESSONS.....	12
3. Atayeva Khusniya Kurashevna, Fayziyeva Yulduz Yusupovna USING INTERACTIVE TECHNOLOGIES AND TEACHING METHODS AT THE RUSSIAN LANGUAGE LESSON.....	17
4. Absamatova Gulhayo Bakhodirovna LINGUISTIC FEATURES OF SIGN LANGUAGE AUTOMATIZATION.....	24
5. Shuhratova Visola jamshid qizi KAZUO ISHIGURONING "DAFN ETILGAN GIGANT"ASARIDAGI KONSEPTLAR UYG'UNLIGI.....	30
6. Bazarova Shahlo Shuxratovna KOREYS ADIBASI SHIN KYON SUK IJODINING O'ZIGA XOSLIGI XUSUSIDA.....	36
7. Kasimova Adiba Nasirovna TRANSLATION METHODS AND TECHNIQUES OF PUBLICISTIC MATERIALS.....	41
8. Арзикулова Хуршида Акабаралиевна “ТОРАЦИЙ” ТРАГЕДИЯСИДА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ВА ОИЛАВИЙ БУРЧ.....	47
9. Mamadjanova Nargiza Mahmudjanovna ZAMONAVIY INGLIZ TILIDA MUROJAATNING KOMMUNIKATIV FUNKSIYASI.....	52
10. Икромова Нигина ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТЕКСТА (НА ПРИМЕРЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ Ч.АЙТМАТОВА “ПРОЩАЙ, ГУЛЬСАРИ!”).....	58
11. Абдусаматов Зафарбек Нурмат ўгли ЎЗБЕК ТИЛИДА АНТРОПОНИМЛАР ТУРИ ВА ИФОДА ШАКЛЛАРИ.....	65
12. Abduraxmonova Nilufar Zaynobiddin qizi, Vosiljonov Azizbek Boxodirjon o'g'li O'ZBEK TILI ELEKTRON KORPUSIDA DIALEKTAL KORPUS YARATISHNING NAZARIY MASALALARI.....	70
13. Achilova Noila Hamroqulovna SUYUQLIK MIQDORINI ANGLATUVCHI LISONIY BIRLIKLARNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI.....	75
14. Tadjibayeva Gulzoda ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA ANTROPOTSENTRIK PARADIGMA.....	81
15. Begimqulova Dilobar INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA REDUPLIKATIVLIKNING MORFOLOGIK IFODALANISHINING QIYOSIY TAHLILI.....	86




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

S.S. Sharipov
Buxoro davlat universiteti

ЛЕКСИКОГРАФИЯ (ТАРЖИМА ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ) РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается взаимосвязь теоретические и практические аспекты между науками. Определены исторические и современные принципы составления словарей, их классификация и разновидности. Роли словарей в системе наук, их взаимосвязь. Словари как способ передачи информации с одного языка на другой. Исторические и современные, теоретические и практические аспекты лексикографии (составления словарей). Проведено хронология возникновения словарей, и определение терминов лексикография и словаристика. Их взаимосвязь в языкознании как единое система понятия лексикография.

Ключевые слова: лексикография, лексикология, лингвистика, практический аспект, научный подход, исторические и современные словари, история составления словарей, система наук, согласованность, словареведение.

S.S.Sharipov
Bukhara state university

THE MAIN ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF TRANSLATED LEXICOGRAPHY

RESUME

This article discusses the relationship between theoretical and practical aspects between the sciences. The historical and modern principles of compiling dictionaries, their classification and varieties are determined. The role of dictionaries in the system of sciences, their relationship. Dictionaries as a way of transferring information from one language to another. Historical and modern, theoretical and practical aspects of lexicography (compilation of dictionaries). The chronology of the appearance of dictionaries, and the definition of the terms lexicography and vocabulary are carried out. Their relationship in linguistics as a single system of the concept of lexicography.

Key words: lexicography, lexicology, linguistics, practical aspect, scientific approach, historical and modern dictionaries, history of dictionary compilation, system of sciences, consistency, lexicon,

С.С.Шарипов
Бухарский государственный университет

ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ПЕРЕВОДНОЙ ЛЕКСИКОГРАФИИ

АННОТАЦИЯ

Ushbu maqolada fanlar o'rtasidagi nazariy va amaliy jihatlar o'rtasidagi bog'liqlik muhokama qilinadi. Lug'atlarni tuzishning tarixiy va zamonaviy tamoyillari, ularning tasnifi va navlari aniqlangan. Lug'atlarning fanlar tizimidagi o'rni, ularning o'zaro aloqasi. Lug'atlar ma'lumotni bir tildan boshqa tilga o'tkazish usuli sifatida. Leksikografiyaning tarixiy va zamonaviy, nazariy va amaliy jihatlari (lug'atlar tuzish). Lug'atlarning paydo bo'lish xronologiyasi, leksikografiya va lug'at atamalarining ta'rifi amalga oshiriladi. Ularning tilshunoslikdagi munosabati leksikografiya tushunchasining yagona tizimi sifatida.

Калит сўзлар: leksikografiya, leksikologiya, tilshunoslik, amaliy jihat, ilmiy yondashuv, tarixiy va zamonaviy lug'atlar, lug'atlarning tuzilish tarixi, fanlar tizimi, izchillik, bir-birini to'ldirish, lug'atshunoslik.

Лексикография (таржима лексикографияси) ривожланишининг асосий жиҳатлари.

Охирги пайтларда турли структурали ва турли типдаги луғатлар кўплаб нашр этилган. Луғатлар лексикографияни ўрганиш ҳам объекти, ҳам предмети ҳисобланади. Луғатларда турли хил маълумотларни топиш мумкин: тилнинг илмий томонларидан бошлаб, унинг тарихи, ҳозирги ҳолати, ўзлашагн сўзларнинг талқини, кам ишлатиладиган (эскирган сўзлардан) тортиб билимларнинг тизимлаштиришигача, ҳақиқатлигдан (ҳозирги реалликлардан) бошлаб, миллатнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш мумкин. Луғатлар тил ҳақидаги қисқа ва аниқ маълумотларни ўз ичига мужассамлаштириб олиб тилнинг луғавий бойлигини акс эттиради ва шу билан бирга миллатнинг тарихий хотираси ҳамда тил эгалари ҳақида тўлиқ маълумотларни бирлаштиради.

Цивилизациялар ривожини, инсонларнинг ижтимоий аҳволи ва даражасини, жамиятдаги муносабатларни, илм фан тарақиёти, прогрессив ёки диний таффақурининг акс эттирувчи кўзгу бўлган луғат илм фан ва техниканинг турли соҳаларини қамраб олади: талқин ва семантик тушунтиришдан бошлаб, сўзни тўғри ёзиш ва бир тилдан бошқа тилга таржима қилишгача бўлган жараенларни қамраб олади.

Кўпинча, луғатларга мурожат қилганда ўқувчи (китобхон) ўз олдида аниқ мақсад кўяди- урғу тўғри жойлаштирилганми, сўзнинг таржимаси тўғрими, сўзга синоним еки антоним танлаб бўладими ва ҳоказолар. Бугунки кунда луғатлар ва лексикография (луғатшунослик) олдида инсон фаолиятининг турли соҳаларини қамраб олувчи катта вазифалар турибди: таржимадан бошлаб она тили ва хорижий тилларни ўқитишдан тортиб, компьютер ахборот-қидирув тизимларигача, уларсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин.

Бизга маълумки, бу соҳада таниқли олимлар лексикографлар (луғатшунослар) кўплаб илмий ишларини бағишлаганлар, биринчи луғатлар мелоддан аввал (м.ав.) XXV асрда Шумер цивилизациясида, м.ав. XX аср Хитойда, м.ав. XVIII асрда қадимги Мисрда, II-III асрлар бизнинг эраמידа (б.эр.) Ю.Поллуксининг “Ономастикон” луғати, санскрит луғати “амара – коша” (таржимада “Амар хазинаси”) кабилар яратилган.

Лексикография сўзи- қадимги юнон сўзи эмас. Гарчи қадимги юнон ўзақларидан ташкил бўлсада *lexico* (сифатдан *lexis* «сўз» ва *graph* «ёзув»)лардан ташкил топган. Анри Этьенн (H.Etienne) ўзининг «Deux dialogues du nouveaux language François, Italianisé» (1578 йил) ишида француз сўзи *lexicographie* ишлатиб бу сўзни у биринчи маротаба Etymologicum Magnum – б.эр.нинг XI-XII асрда ёзилиб чоп этилмаган лексикография (луғатшунослик) *lexikographos* “луғат ёзиш” ишида учратган.

Инглиз тилида *lexicography* - лексикография 1680 йилда пайдо бўлган, немис тилида - *Lexikographie* - 1698 йилда, француз тилида *lexicographie* – 1765 йилда жаҳонга машхур Энциклопедияда (Encyclopédie) биринчи маротаба учратиш мумкин. *Dictionary* “луғат”-сўзи биринчи маротаба XIII асрда Джон Галлен томонидан киритилган. Биринчи луғат 1538 йилда сэр Томас Элиот томонидан чоп этилган бўлиб, бу “лотин-инглиз луғатидир”.

Кўплаб олимлар фикрича инглиз лексикографияси 1755 йилда Сэмюэль Джосннинг луғатидан, француз лексикографияси 1765 йил Д.Дидронинг “Энциклопедияси”дан бошланган. XIX асрда эса П.Лясурнинг (Larousse P. Grand Dictionnaire universel du XIX-e

siècle) “Катта универсал луғати”дан, немис 1852 йил ака-ука Гримлларинг (Grimm. Deutsches Wörterbuch) “Немис тили луғати”дан бошланган.

Араб лексикографияси “Ислом” дини пайдо бўлгунга қадар пайдо бўлган, бу асосан араб шеърятти билан боғлиқ бўлган. Шартли равишда араб лексикографиясини 3 қисмга бўлиш мумкин:

1. Ислом динигача бўлган шеърят талқини ва “Куъони карим” суралирининг талқини;
2. Ҳажми катта бўлганмаган маълум мавзулар билан боғлиқ лексикографик асарлар;
3. Умумий характерга эга бўлган луғатларнинг яратилиши, бунда ал-Халилнинг «Китоб ал-айн»(VIII аср)да яратилган асари ҳисобланади.

Шарқий славянларда биринчи луғатлар “лексиконлар” деб аталган, унда асосан эскирган ва чет тилларидан ўзлашган алфавит ва талқинлар шаклида яратилган. Биринчи “гласарий”лардан бири ҳисобланган 1282 йилда яратилган “Комчая книга” (Рул китоби) бўлиб, унда 174 сўз асосан юнон, эски славян ва қадимги рус сўзлари кирган. 1596 йилда Лаврентий Зизаний Тустановский томонидан «Лексис, сиречь речения вкратце собраны и из словенского язык» (Лексиси, яъни сўзларнинг қисқача словен тилидан тўпланган луғат) биринчи босма асар яратилган бўлиб, бу асар “Словяно-русский букварь” (Славян-рус алифбоси)га илова сифатида чиқарилган. Шу тариқа биз қисқача бўлсада ҳам луғат сўзининг келиб чиқиши ва мазмунига аниқлик киритдик. Луғатлар эса лексикографиянинг тадқиқот масъули (предмети) эканлигига амин бўлдик.

Лексикография тилшуносликнинг таркибий қисми бўлиб, луғатларнинг яратиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги фан (scientia lexico-graphica) ҳисобланади. Сўзнинг семантик тузилишини, сўз хусусиятларини, уларни ўрганадиган фандир.

Шу ўринда бир савол туғилади: “Қачондан бошлаб лексикография “лексикографияга”айланди?”. Брокхауз ва Ефроннинг “Энциклопедик луғати”да (1896йил) “лексикография” мақоласида топилмаган, аммо биз “лексикография” атамасини, шунингдек, “луғат” атамаси билан лексикография сўзи сифатида учрайдиган мақолани учратиш мумкин, унда “луғат техникаси” иборасининг синонимидир. Ака-ука Гримларнинг “немис тили луғати” да луғат сўзини учратиш мумкин. “Ака-ука А. ва И. Гранат и Ко” ҳамкорлик энциклопедик луғатида (1914йил) “Лексикография (юнон) –лексикон тузиш учун сўз материалларининг илмий усуллари” («Лексикография (греч.), научные способы обработки словесного материала языка для составления лексикона») – деб талқин қилинган. 1938 йилда нашр этилган “Совет катта энциклопедияси” (Большая советская энциклопедия) “лексикография” мақоласида “Лексикография (юнон) луғатлар яратиш бўйича иш” («Лексикография (греч.), работа по составлению словарей») деб изоҳланган. Фақатгина 1953 йилда қайта нашр этилган энциклопедияда “Лексикография- тилшунослик бўлими бўлиб, луғатлар яратиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланади” («Лексикография — раздел языкознания, занимающийся практикой и теорией составления словарей») деб таъкидланган.

Лексикография ўз ўрнида назарий лексикография ва амалий лексикографияларга бўлинади. XX аср ўртачаларигача лексикографияга фақат амалий соҳа деб қаралган. Х Касарес ўзининг “Ҳозирги лексикографияга кириш” (“Введение в современную лексикографию”) асарида(рус тилига таржима қилинган) “лексикография – бу луғат яратиш санъати ва техникаси” деб таъкидлаб ўтган. Луғатларни яратиш қадимий фаолиятлардан бири ҳисобланади. Бу аввалом бор луғатлар; Ю.Полуксининг “Ономастикон”и, санскрит луғати “Амара коша” (Амар хазинаси), м.ав. II-III асрларга мансуб идиографик луғат, таржима луғатлари, биринчи таржима луғатлари бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш учун хизмат қилган ва амалий лексикографияга хизмат қилган. Назарий лексикография назариясини биринчилардан академик Л.В.Шерба илгари сурган. У ўзининг “рус-француз луғати”нинг (1936йил) сўз бошида: “Мен малакали тилшуносларимизнинг луғат ишига нисбатдан нафрат билан муносабатини ўта нотўғри деб биламан, бунинг натижасида уларнинг деярли ҳеч бири буни қилмаган (қадимда буишни махсус тайоргарликка эга бўлмаган тасодифий ҳаваскорлар шуғулланган) ва шу туфайли шундай беъмани ном “луғат тузиш” деб олган. Даҳақиқат, тилшуносларимиз бу иш илмий хусусиятга эга бўлиши ва ҳеч қандай ҳолатда таййор

элементларни механик таққослашдан иборат бўлмаслиги кераклигини эътибордан қолдирмаслик лозим” деб таъкидлаган.

XX асрнинг ўрталарига келиб Л.В.Шербанинг “Лексикографиянинг умумий назарияси тажрибаси” асари нашр этилиб, унда қабул қилинган ёки қабул қилинаётган аниқ лексикографик қарорларни аналитик шарҳлаш даражасидан юқорига кўтариш ва лексикографияга алоҳида илмий фан сифатида қарашга ягона уриниш бўлган десак хато бўлмайди. В.В.морковкин “Назарий лексикография” тушунчасининг кўлами ва мазмуни тўғрисида”ги мақоласида “луғатшунослик назарияси” тушунчасининг машҳур талқин бошланғич нуқта сифатида олади, “бунга кўра у луғатлар типологиясини ўз ичига олади, ва луғатнинг тузилишва элементлари ҳақидаги таълимот” деб таъкидлайди. Бунда муаллиф таъкидлайдики, воқеликнинг мазмуни ва чегаралари назариянинг асосий вазифасидир, уни кўриб чиқиш эса унинг мазмунини белгилайди.

Назарий лексикография луғат ёзувларини (мақолларифбандларини) мамлакатнинг (миллатнинг) муайян тарихий контекста (даврд), унинг маданиятини, бир тилнинг (луғатнинг) бошқа бир тилга тасирини ўрганади. Лексикография учун адабиётнинг, санъатнинг, маданиятнинг ва илм- фаннинг ривожини, уларнинг ривожланиш принциплари ва тарихий жиҳатларини қамраб олиш қонуният ҳисобланади. Луғатларнинг турлари, уларнинг таснифи, тасвирлаш объекти, тил лексемаларининг кўрсатилиши, луғат ёзувининг тақдим этилишилуғатнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, улар ўзаро боғлиқлик ва қарама-қаршилиқ асосида луғатлар типологиясини ташкил этади ва бир-бирга мослашади, бир-бирин боғлаб туради. Бундай луғатларнинг турлари тўртга бўлинади: лингвистик, психологик, социологик ва семиотик.

Назарий лексикография ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- лексикография тушунчаси, унинг мазмуни ва ҳажми;
- луғат типлари ва жанрлари ҳақида таълимот;
- элементлар ва параметрлари ҳақида таълимот;
- лексикографик тузилишасослари ва компьютерлаштириш имкониятлари ҳақидаги таълимот;
- таниш луғат материаллари ҳақидаги таълимот;
- луғат ишини режалаштириш ва ташкил этиш ҳақида таълимот;
- лексикография қоидаларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш.

Луғатнинг асосий функциялари: тарбиявий-таълимий, тизимлаштирувчи, маълумотнома, меъёрий.

Ҳар қандай лексикографик асар (луғат) 7 принципларни ўз ичига олиши лозим:

- адресатга (ўқувчи, китобхон, фойдаланувчига) йўналтирилган ва таълуқлик;
- стандарт;
- ихчамлилик;
- оддийлик;
- маълумотларнинг тўлиқлиги;
- самарадорлик принциплари;
- изоҳларнинг семантик тоифаланиш принциплари.

Луғатларга бўлган эҳтиёж янги ўқув лексикографиясининг пайдо бўлишига асос бўлди, лексикографиянинг ушбу турининг асослари “Рус лексикографияси очерклари” ва “Ўқув лексикографияси назарияси асослари” дарсликлариди ўз аксини топган.

Назарий лексикографиянинг узоқ ваът давомида амалий характерга эга бўлган яна бир бўлими икки тилга таржима ыилинган лексикографиядир. Кичик тилли луғатларни тузиш назарияси асосан таржима фаолияти муаммоларига бағишланган тўпламлардаги мақолалар, шунингдек катта луғатларнинг сўз бошларида кўриб чиқилган. Шундай қилиб “Рус-француз катта луғати” сўз бошида Л.В.Шербанинг ҳар доим икки тилли луғатлар тузишнинг асосий тамойилларини умумлаштириш тўғри деб ҳисобланган. Ушбу йўналишдаги биринчи монографик асар В.П.Берковнинг “Икки тилли лексикография” дарслиги ҳисобланади.

Назарий лексикографияга нисбатдан амалий лексикография бир қатор функцияларни бажаради:

- тил луғатини тавсифлаш;
- адабий тил меъёрларини белгилаш;
- миллатлар аро мулоқотни таъминлаш;
- тил луғатига илмий баҳо бериш;
- махсус тил таълимини ривожлантириш.

Агар этимиологик, изоҳли, идиоматик, таржима луғатлари сўз ва сўз ибораларининг келиб чиқиши, изоҳини тушунтирса, орфографик, пунктуацион, орфоэпик луғатларсўзларнинг тўғри ёзилиши, талаффузи ва шаклини кўрсатади. Биринчи луғатлар манбанинг келиб чиқиши ҳақида тушунча бериш учун яратилган. Мазмунан тушунтириш икки усул (шакл) билан берилади:

- адресатга яъни она тилида сўзлашувчига эскирган тил бирикмаларини тушунтириш;
- бир тилнинг бошқа тилга, яъни бошқа тилдаги она тили вакилига ифодаланишини тушунтириш.

Биринчи ёндашув лексикографик шаклланиш, иккинчиси эса лексикографик таржима. Адресатга эскирган сўзлар ва сўз ифодаларини тушунтириш амалиёти икки ҳолат билан ифодаланади:

- сўзнинг фонетик жиҳатдан эскирган ҳолатида;
- тил ва имлонинг ривожланиш ҳолатида.

Биринчи луғатлар ўз қўлланиши жиҳатдан универсал бўлиб мазмунан соф контексти эди, бошқача қилиб айтганда, уларда ўзига хос ижтимоий ёки касбий хусусиятлар бўлмаган, фақат матнларни таржима қилиш ва тушуниш учун хизмат қилган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимизга қараганда шундай хулосага келиш мумкин, ўзбек луғатчилиги “лексикографияси” нисбатда янги (ёш) фан деб ҳисобласа бўлади ва чуқур тарихга эга эмас. Жумладан махмуд Қашгарийнинг “Девони-луғати-т-турк” асари –ўзбек луғатчилиги амалий лексикографиянинг бошланиши ҳисобланади, ҳеч қандай назарияси эмасдир. Бундан ташқари энг қадимги луғатлар умумбашарий анъанага айланган: Махмуд Замахшарийнинг “асоу-л-балоға, “Муқаддимат-ул адаб” луғати, муаллифи номалум “Абушқа” изоҳли луғати, “Бадойе-ул луғат” Толе Имом Хиравия, “Мунтаҳаб-ул-луғат” Муҳаммад Ризо Хоксор, “Санглоҳ” Мирзо Меҳдихон, “Келурном” Муҳаммад Ёқуб Чингийит, “Луғати чигатой ва турк” (Чигатойча-туркча луғат) Сулаймон бухорий, Исҳоқ Ибратнинг “Луғати иссита-ас-сина” (Олти тил луғати) асарлари ўзбек назарий лексикографиясининг асослари деб аталиши хато ҳисобланади.

Юқоридаги луғатлар ўқув материаллари ёки назарий лексикографиянинг объекти ҳисобланади, яъни лексикографиянинг фан сифатида ўрганиш объекти бўлиб, луғатшунослик назарияси сифатида луғат тузиш, луғатшунослик тарихи, мавжуд (яратилган) луғатларни тавсифлашнинг назарий масалалари билан шуғулланади.

Масалан Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “Лексикография” мақоласида куйидагича изоҳ берилган: “... бугунги кунда ўзбек тилини 10 га яқин хорижий тиллар билан таққослайдиган кўплаб таржима луғатлар, 100 дан ортиқ терминологик луғатлар мавжуд. Бир, икки ва уч тилда яратилган. Ўзбек халқи тарихида биринги марта 1981-йилда “Ўзбек тилининг ислоҳли луғати” (Ўзбек тилининг изоҳли луғати) луғати яратилди ва нашр этилди. А.Зоҳирий, А.Қодирий. Э.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов. С.Иброҳимов, Олим Усмон, З.Маруфов, Н.Маматов, А.Ҳожиев, Т.Алиқулов ва бошқлар каби олимлар ўз ҳиссаларин қўшганлар. Республикамизнинг мустақиллика эришганидан сўнг ўзбек лексикографияси олдида янги масалалар қўйилди, жумладан замон талабларига жавоб берадиган энциклопедик ва лингвистик луғатлар яратиш. Бу масалалар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кунгача 10 га яқин хорижий тил билан ўзбекчани қиёсловчи кўплаб таржима луғатлари, фан соҳаларига оид 100 дан зиёд бир, икки ва уч тилли терминологик луғатлар яратилди. Ўзбек халқи тарихида биринчи марта «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тузилиб, нашр этилди (1981). 20-аср ўзбек луғатчилиги ривожига А.Зоҳирий, А.Қодирий, Э.Д.Поливанов, А.К.Боровков,

В.В.Решетов, С.Иброҳимов, Олим Усмон, З.Маъруфов, Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, А.Ҳожиев, Т.Алиқулов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Республика мустақиллиги туфайли ўзбек лексикографияси олдига янги давр талабларига жавоб берадиган энциклопедик ва лингвистик луғатлар яратиш вазифаси қўйилган ва бу вазифа ўз ўрни билан амалга оширилмоқда. Бундай масалалрни амалга ошириш асосан амалий лексикографиянинг (луғатчиликни) ривожланишига йўналтирилган бўлиб, лексикография (назарий лексикография) билан боғлиқ бўлмай қолди. Жумладан ўзбек олимлари олдида қуйидаги масалалар қўйилганки, амалий жараёнда бажарилиши лозим бўлган тақдирдагина амалга ошиши мумкин:

-Луғатларнинг умумий типологияси ва янги луғатларни яратиш;

-Луғатларнинг умумий структурасини яратиш (сўз танлаш, омонимик, синонимик, ярим функционал ва кўп маъноли бирликларнинг, маълумотли материалларни киритиш)

-махсус структурали луғатларни яратиш (яъни ҳар бир луғавий мақолаларни ишлаб чиқиш, сўзларнинг ва луғат мақолаларининг жойлашуви, сўзнинг фонетик ва грамматик талқини, сўз маъноларининг классификацияси ва тақсимоти, исбот сфатида кўргазмаларнинг (иллюстрацияларнинг) тури (типи), белгилар тизими, тавсиф типлари, сўзнинг этимологиялик маълумотлари).

Лексикографик тадқиқотлар натижалари амалий лексикографияда (луғатчиликда) қўлланилади. Жумладан, агар лексикография – бу тадқиқот ва тавсифловчи босқич бўлса, луғатчилик – бу амалий иловаловчи мазмунга эга бўлган босқичдир.

Лексикография тилнинг луғат таркибининг табиати ва бойлигини ўрганувчи фундаментал соҳа бўлиб, бу соҳадаги лексикографик тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Лексикографик тадқиқотлар назарий ва амалий жиҳатларни бирлаштиради. Янги амалий лексикографик маҳсулотлар учун назарий лингвистик хулосаларнинг инновацион моделларини яратиш лексикографик тадқиқотнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганларга асосланиб, лексикографияни 9назарий лексикография) ва луғатшуносликни, лексикограф –олимни ва луғатчини (яъни луғат тузувчини) фарқлаш лозим. Кўплаб ҳолларда лексикограф ва луғатчи бир кишида ифодаланмайди. Масалан лингвист А.К.Боровков таъкидлаганидек: “ Мен бирорта ҳам луғат яратмаганман, бироқ лексикография билан шуғулланаман”. Ундан ташқари китоб жавонларидан сонсиз луғатларни “луғат” деб атасак, уларнинг муаллифларини “луғатчилар” деб аташимиз мумкин. Ҳозирги пайтда лексикографик тадқиқотларнинг асосий вазифаси луғатларнинг инновацион моделларини яратиш бўлса, бу нафақат лексикография учун балки луғатчилик учун ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Луғат фанларни бирлаштиргани каби ҳақиқий лексикограф ҳам профессионал тарзда бирлашади. Дарҳақиқат, оддий бир терминологик луғат яратиш учун у маълум бир соҳадаги лингвистик ва махсус билимларни бирлаштириши ва синтез қила билиши керак. Филологияда кўплаб фанлар ва бўлимлар ўзаро боғланган, назария амалиётсиз алоҳида мавжуд бўлмайди, лексикографияни эса амалиётдан мутлақо ажратиб бўлмайди. Ҳатто назария ва амалиёт тўлиқ аралашиб кетган бўлсада. Амалиётдан қтган назарияда кристалланади (софланади), шу билан бирга ўзида янги имкониятлар топади. Луғатшунос ўз тадқиқот объектига яқин бўлгани учун бошқа тилшуносларга қараганда назариядан узоқда бўла олмайди.

Ҳозирги кунда тилшуносликнинг барча соҳалари каби лексикографида ҳам фаол ривожланишлар сезилмоқда, фаол ривожланаётган лексикографияда лексикографик маданиятларнинг янги ва эски усуллари мавзусида баҳс мунозалар олиб борилмоқда. Техник ривожланиш ва глобаллашув даврида фан ва унинг тармоқларига янги имкониятлар очилмоқда. Албатта янги усулни ттанлашда, ёндашишда, фикрлашда унинг олдингисидан устунлиги ва афзаллигини кўрсатиб бериш керак бўлади, бунда эса эришилган амалий натижа лингвосоциумга кириб келиши ва самарадорлиги билан тасдиқланиши керак бўлади.

Агар янгича усул ва ёндашув фақат назариядан иборат бўлса, унда янгиликдан ўз вақтида рад этилиши, прогресснинг (ривожланишнинг) янгича итарувчи кучига айланади, ваҳоланки янги услубнинг ва ёндашувнинг инерт кириб келишига қараганда. Инновацион

янгиликларнинг фақатгина янги бўлгани учун кириб келиши миллатнинг маънавий юксалишига тўсқинлик қилиши мумкин. Тўғридан тўғри маънода “инновациялар” ўзининг самарадорлиги, қулайлиги ва асосланганлиги билан характерланади. Ҳар қандай исботланган янгилик аниқдир, ва ўтмиш реалларига бўлган диққат эътиборни ўзига қаратади.

Бу методологик асослар ўзбек назарий ва амалий лексикографиясининг ривожини ва ҳозирги ҳолатини билан бевосита боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. А. Я. Мартынюк Русская лексикография: традиции и перспективы / А.Я. Мартынюк / Культура народов Причерноморья. — 2004. — № 49, Т.1. — С. 180-182.
2. Дубичинский В.В. Теоритическая и практическая лексикография. Wiener slawistischer almanach sonderband 45.Wien – Charkov., 1998. С. 14
3. Singh R.A. An Introduction to Lexicography - Mysore, 1982. 1982, с. 4
4. Энциклопедический словарь товарищества «Братъев А. и И. Гранат и К^о».- М.: Изд. тов.А. Гранат и К^о, 1914. Т.-26— 338 с.// <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
5. 5.БСЭ, 3е изд. 1973, т. 14
6. Х.Касарес. Введение в современную лексикографию.(перевод с исп. Н.Д. Арутюновой ред, предисловие и прим. Г.В. Степанова).- М.:Изд-во иностранной лит-ры, 1958.- С. 354
7. Щерба Л.В. Предисловие к Большому русско-французскому словарю // Языковая система и речевая деятельность. – М.: Наука, 1974. – С. 304-312
8. Морковкин В.В. Учебная лексикография как особая лингвометодическая дисциплина.1987, С. 30.
9. Морковкин В.В. Об объеме и содержании понятия «теоретическая лексикография».Вопросы языкознания , 1987, Том 6. - С.33
10. Морковкин В.В. Учебная лексикография как особая лингвометодическая дисциплина.1987, С. 30.
11. Денисов П.Н. Лексика русского языка и принципы ее описания. – М.:Русский язык, 1980.
12. Юлдашев А. А.Принципы составления тюркско-русских словарей.– М., 1972.
13. Ожегов С.И.Лексикология, Лексикография. Культура речи.– М., 1974.
14. Боровков А.К.Названия растений по Бухарскому списку “Мукаддимат-ал-адаб // Тюркская лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 96
15. Садуллоевна Р. Қ. Рауф Парфи Ва Эркин Воҳидов Шеърлари Тадқиқи Оид Айрим Кузатишлар //Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. №. 6. – С. 207-210.
16. Qodirova, R. (2022). NO`MON RAHIMJONOV - SHE`RSHUNOS OLIM. ILMIY NASHRLAR MARKAZI (buxdu.Uz), 8(8).
17. Qodirova R. ABDULLA ARIPOV'S WORK DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE IS INTERPRETED BY NUMAN RAKHIMJANOV //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000